

---

## ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ВА МФЙ ИДОРАСИГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ижодкор МФЙдаги М.Саримсақов кўчасида 19-мактаб, 5-ДМТТ ва МФЙ идораси жойлашган. Кўчада маҳалладаги асосий ижтимоий соҳа объектлари жойлашган бўлишига қарамай, ўнқир-чўнқир, юришга ноқулай эди. Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов маҳаллада ўтказган сайёр қабулда аҳолидан кўчани таъмирлаш бўйича мурожаат тушганди.

Аҳоли мурожаати ижрога қаратилиб, бу кўчада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Президентимизнинг 408-сонли қарори бўйича 440 метр йўл асфальтлашга тайёрланмоқда.

Дастлабки ишлар – шағаллаштириш жараёни олиб борилмоқда.

Кўчада ишлар якунлангач, аҳоли ва фарзандларимиз таълим масканларига ва маҳалла идорасига текис йўллардан бориб-келишади.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-11 14:44:00